

*Мирҳайдарова Моҳира Миракбар қизи**Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси*

## ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** Мақолада ривожланган давлатлар амалиётида тижорат банк кредитларини олиш зарурати ва имкониятлари таҳлил қилинди. Кредит олиш учун кредит ташкилотига қўйиладиган талаблар ўрганилди. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибдорлигини кўтаришда банклар ролини оширишнинг устувор йўналишлари таҳлил қилинди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш учун банк кредитлаш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш зарурати асосланди ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар келтирилди.

**Калит сўзлар:** тижорат банк, ҳуқуқий тартиб, кредит ресурслари, гаров, кредит муассасаси, инвестицион муҳит, молиявий лизинг, институционал асос.

### Кириш

Бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиёти ривожини ва халқаро интеграциясида инвестицион кредитлар муҳим ўрин эгалламоқда. Зеро, инвестицион кредитлар тижорат банкларининг миллий ва жаҳон молия бозоридаги узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишда ва унинг воситасида халқаро муносабат ва тажрибаларни ривожлантиришда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар инвестицион кредитлар бир қанча анъанавий ва замонавий кредитлаш шакллари ўзида мужассам этган ҳолда улардан фойдаланишда миллий, хорижий ва халқаро молия-кредит институтлари билан ҳамкорликларнинг ўрнатилиши ва ривожланишига эришилаётганлиги буни яққол тасдиқламоқда. Ўз навбатида, жаҳон амалиётида ривожланган давлатларда инвестицион кредитлаш борасида юксак ривожланиш ва бой тажрибаларга эришилиб, хусусан, “Германия давлатида жами асосий капиталга инвестициялар таркибида инвестицион кредитларнинг улуши 49,5 фоизни, АҚШда 62 фоизни, Буюк Британияда 76,5 фоизни ташкил этмоқда” [7]. Инвестицион кредитларга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётган бугунги кунда тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестицион кредитлаш амалиёти сезиларли тарзда юксалиб бормоқда. Жумладан, “асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида тижорат банкларининг инвестицион кредитларини улуши сўнгги беш йилда (2017-2021 йй.) икки баробардан ошиб, 46,7 фоизни” ташкил этди. Бу эса, асосан, республикамиз тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошаётганлиги ва жалб қилинаётган халқаро кредитлар миқдорининг ошаётганлиги билан изоҳланади. Бироқ, аксарият тижорат банкларида инвестицион кредит ва унинг замонавий шакллари қўллаш тажрибалари етарлича шаклланмаган. Шунингдек, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Банкларнинг инвестицион кредитлаш тизимидаги муаммоларни илғор хориж тажрибаси асосида ҳал қилишнинг зарурлиги инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини туғилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб боришни таъминлаш устувор вазифадир. Ушбу жараёнда давлатнинг ўрни капитал маблағларни жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибдорлигини ошириш билан изоҳланади. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишдан манфаатдорлик ҳар қандай давлатнинг ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишини талаб этади. Ишлаб чиқилган инвестиция сиёсати хорижий

инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишларини, шунингдек, уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамда юқоридаги келтирилган муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва тижорат банкларида инвестицион кредитлаш тизимини илмий-назарий ва услубий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожатномада “Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур [1]” деб таъкидлаб ўтганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвестиция жараёнларини молиявий таъминлашнинг бозор механизми ўз навбатида тижорат банкларининг фаол иштирок этишини билдиради. Замонавий шароитда мамлакат тижорат банклари инвестиция жараёнларини олиб боришда доимий равишда қатнашиб келмоқдалар. Бироқ республика даражасидаги мавжуд макроиқтисодий кўрсаткичлар тижорат банкларининг жами кредит қўйилмаларининг улуши ҳануз ялпи ички маҳсулот таркибида нисбатан паст салмоққа эгалигидан далолат бермоқда.

Бу эса бугунги кунда мамлакат тижорат банкларининг инвестицион жараёнларни молиявий таъминлашдаги фаолияти ҳали етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам макро ҳам ҳудудий давлат дастурларини инвестиция жараёнларини молиявий таъминлашда тижорат банкларининг ўрни ва ролини ошириш ҳамда уларнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини кўтаришдаги фаолиятини янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради.

#### ***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили***

Тижорат банкларида инвестициявий фаолиятнинг самарадорлиги ва уларни ривожлантириш ҳамда баҳолаш масалалари билан кўплаб хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимлари шуғулланишган. Мазкур масала бўйича илмий тадқиқот олиб борган хорижлик иқтисодчи олимлардан:

Россиялик иқтисодчи-олимлар М.В.Аликаева, Л.О.Асланова ва бошқалар фикрларига кўра, “Инвестицион банк кредити, одатда, лойиҳанинг қоплаш муддатидан ошиб кетмайдиган муддатга, қоидага кўра, бир йилдан кам бўлмаган муддатга берилади, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари доирасида тузилган шартномалар бўйича тўловлар билан ҳужжатли тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли характерга эга бўлади” деган хулосага келишган.

Ф.В.Майк ва В.Ронг (2006) Инвестицион лойиҳалардан самарали фойдаланишда ташқи молиявий чекловларни ўрнатиш кераклигини ва шу асосда ички инвестицион лойиҳаларни рағбатлантиришни таклиф қилишган. Бунда олимлар ташқи молиялаштириш ҳаражатлари ошган сари, нақд пул қиймати сезиларли даражада ошади деган хулосага келади.

Х.Уанг, П.Лианг, Х.Ли, Р.Янглар (2016) эса технологияли ишланмаларига йўналтириладиган инвестицион лойиҳалар ва уларнинг молиялаштириш манбаларини, шунингдек илмий ишланмаларни молиялаштириш манбалари, илмий-тадқиқот, инвестиция risksi ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишган.

Бундан ташқари Россиялик таниқли иқтисодчи олим Т.Мазурина (2013) инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан кредитлашни ривожлантириш учун қуйидаги шароитларнинг мавжуд бўлишини асослаб берган:

– давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжудлиги (молиявий ресурсларни аниқ жойлаштириш йўналишлари кўрсатилган ҳолда);

– инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган riskларни қисқартириш асосий йўналиши бўлган инвестициялар инфратузилмасини ривожлантириш;

– корхоналарнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш [4].

И.Юдинанинг (2013) илмий тадқиқотлари натижаларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш амалиётини ривожлантиришнинг зарурий шarti – бу riskларни диверсификация қилиш деб ҳисоблайди.

Ўзбек олимларидан профессор Н.Каримовнинг илмий ишида инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштиришдаги асосий муаммолар сифатида тижорат банкларининг инвестицион кредит бериш салоҳиятини ошириш муаммоси, тижорат банкларида инвестицион фаолиятни молиялаштириш riskларини бошқариш самарадорлигининг пастлиги, тижорат банкларида инвестицион лойиҳалар бўйича мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес режаларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлиги ва уларнинг банklar томонидан талаб даражасида таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномалари тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги, ҳукуматнинг қафолати асосида олинган инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги каби омилларни келтириб ўтган [6].

Бугунги кунда мамлакат тижорат банкларида инвестицион кредитлаш жараёнларида бир қанча камчиликлар мавжуд. Шу сабабли, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётисидаги мавжуд муаммоларини аниқлаш, хорижий банklar кредитлаш амалиётисининг устувор томонларини амалий таҳлиллар асосида ўрганиш, уларнинг бу соҳадаги илғор тажрибаларини, Ўзбекистондаги тижорат банклари кредитлаш амалиётисида жорий қилиш юзасидан аниқ асосланаган илмий тақлифлар тақдим этиш, ушбу илмий мақоланинг асосий мақсади ҳисоблади.

Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини кўтариш масалаларига бирқатор олимларимиз тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов, Ш.Ҳажибакиев, Н.Муминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: “Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисиدير. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инкироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга [2]”.

Инвестиция – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин [3]:

– маблағларни, шу жумладан пул маблағларини (шу жумладан чет эл валютасини), мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;

– кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни);

– интеллектуал мулкка доир мулккий ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноухау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқақимматликларни [3].

Банкларнинг инвестиция фаолияти – бу банк инвестор сифатида даромад олиш мақсадида молиявий активларни сотиб олиши, реал активларни яратиши ва ташкил қилиши учун маблағларни жойлаштириши билан боғлиқ фаолиятидир [4]. Банкларнинг инвестиция фаолиятини бошқа инвесторлар фаолиятдан фарқли томонишундаки, улар инвестицияни жалб қилинган маблағлар асосида амалга оширадilar. Шунинг учун ҳам банк бир томондан инвестор сифатида бозорда пайдо бўлса, бошқа томондан эса у қарздордир.

#### ***Тадқиқот методологияси***

Тадқиқотни олиб боришда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистикава таққослаш каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

- инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишда банкларнинг ролини оширишнинг аҳамияти, ҳамда банкларининг инвестицион фаолиятда иштирокининг аҳамияти ва ролини институционал жиҳатдан асослаб бериш;

- инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишда банкларнинг банкларининг роли ва уларнинг институционал ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

- Ўзбекистонда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятининг замонавийҳолати, асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва самарадорлик даражасини таҳлил қилиш;

- тижорат банкларининг инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- инвестиция фаолиятида тижорат банкларини ривожлантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш;

- инвестицион фаолиятда тижорат банкларининг иштирокини фаоллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

#### ***Таҳлил ва натижалар***

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, инвестиция фаоллигининг ўсиш суръатлари инвестиция муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётига жалб этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратилиши муҳимдир, у, қачонки, қайси мамлакатда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий шартшароитлар мавжуд (ижобий) бўлсагина ўша давлат иқтисодиётига қўйилиши мумкин [5].


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаолиинвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди [1].

Инвестиция муҳитининг жозибadorлиги хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Кўриб ўтилаётган 1-расмда инвестицион жозибadorликни ташкил этувчи асосий элементлар сифатида минтақадаги инвестицион иқлим, инвестицион фаоллик, инвестицион салоҳият келтирилган. Мазкур таркибий қисмлар орқали маълум бир ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва алоҳиятини аниқлаш орқали инвестицион рискларни баҳолаб инвестицион фаолликни таъминловчи хусусий асослар асосида инвестицион жозибadorликни ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Тижорат банкларининг ресурслари манбалари бевосита ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан ташкил топади. Ўз маблағлари банк капиталидан иборат бўлса, жалб қилинган маблағлар турли шаклдаги депозитлар ҳисобидан шаклланади. Тижорат банклари фаол инвестиция фаолиятини олиб боришлари учун, аввало капиталлашув

даражаларини ошириш зарур.

Банклар томонидан инвестицион кредитлар ажратишда “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом [6] ҳам асосий меъёрий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



***1-расм. Инвестицион жозибдорликнинг таркибий элементлари [7]***

Бу низомда синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш учун банк синдикатини ташкил этиш тартиби, кредитларни расмийлаштириш тартиби, синдициялаштирилган кредитлаш, унинг ҳисобини юритиш мониторингини олиб бориш ва уни қайтариш тартиби келтириб ўтилган.

Мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги ва ижтимоий фаровонлиги кўп жиҳатдан кичик бизнеснинг ривожланиш даражасига ва ўрта бизнеснинг барқарорлигига боғлиқ. Иқтисодиёти муваффақиятли бўлган мамлакатларда юқоридаги соҳа барча солиқ тўловларининг асосий улушини ва ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисмини – 50 -70% гача тўғри келади. Жумладан иқтисоди ривожланган давлатларда бири бири Россия Федерациясини таҳлил қиладиган бўлсак, Россиядаги вазият бошқача: ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи йирик саноат холдинглари томонидан яратилган, кичик ва ўрта корхоналар эса ўз бизнесларини юритишда жиддий қийинчиликларга дуч келишмоқда. Сўнгги беш йил ичида кичик корхоналарнинг Россия ялпи ички маҳсулотигаги улуши икки баравардан кўпроқ ўсганлиги вазиятни ўзгартира олмайди. Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш вазирлиги маълумотларига кўра, 2019 йил ҳолатига кўра кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссаси 19,2 фоизни ташкил этди (Россия Федерацияси ҳукумати томонидан Россия учун белгиланган меъёр 40-50 фоизни ташкил этади). 2020 йилда АҚШ ва Германияда бу кўрсаткич 50-52%, Францияда 55-62% ва Японияда 52-55% даражасида еди [8].

Бундай вазиятда компания учун зарур бўлган кредит ресурсларини олиш учун реал имкониятга эга бўлган кредит бозори кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг муҳим омилidir.

Россиядаги ўрта бизнес 4,2 триллион рублни ташкил қилади. Корхоналарга кредит ресурсларини тақдим этиш нафақат мавжуд кичик ва ўрта бизнес секторини қўллаб-қувватлаш ва уни соядан чиқариш, балки янги тадбиркорлик субъектларининг пайдо бўлишига ёрдам беришдир.

Шубҳасиз, молиявий инқироз ушбу сегментдаги вазиятни янада ёмонлаштиради. Асосий саъй-ҳаракатлар (1,0 триллион рубл) ҳукумат томонидан йирик тадбиркорлик

субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Айни пайтда кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш соҳаси торайиб борарди. Ўша даврда қўллаб банклар юқори операцион харажатлар туфайли кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш дастурларини тўхтатдилар. Шу пайтгача кичик корхоналар учун кредитларнинг чекланганлиги ва кредитлаш хизматларининг рақобатбардош бозорининг йўқлиги фоиз ставкаларининг юқори бўлишига сабаб бўлган. Ўша даврда фоиз ставкалари рублда 23-24% даражасида тўхтади. Олти ойлик кредитлар — 23%, 6 ойдан бир йилгача — 23,3%; бир йилдан ортиқ - йилига 23,8%. Фоиз ставкаларини пасайтириш учун кредитнинг қиммат қисмини назорат қилишнинг турли усуллари, шу жумладан бизнес учун энг яхши кредит шаклини танлаш ва давлат молиявий қўллаб-қувватлаш дастурларидан фойдаланиш мавжуд. Франчайзинг дастурига келсак, банк франчайзер компанияни танлайди, унинг аудитини ҳамкорликни ташкил қилади ва корхонага таклиф қилади. Иккинчиси ранчайзер сифатида ўз танлови, бу ҳолда банк олади.

Ҳозирги вақтда Россияда 4 миллиондан ортиқ кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар мавжуд. Кичик бизнеснинг 70 фоизи эса хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Жорий йилда жисмоний шахслар сони тадбиркорлар тахминан 300 мингга камайди. Бир томондан, ўтган йили солиқларнинг сезиларли даражада юмшатилишига олиб келди, масалан, соддалаштирилган солиққа тортиш тизимига кириш имкониятини ошириш, патент тизимини сезиларли даражада ўзгартириш, ҳисобланган даромадлардан ягона солиқдан ихтиёрий фойдаланиш тартибини жорий этиш.

Шу нуқтаи назардан, кичик ва ўрта бизнеснинг қарз олишга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётгани жуда мантқиқийдир. Қарзга олинган маблағлар корхоналар томонидан айланма маблағларни тўлдириш, дўкон, ишлаб чиқариш ёки оргтехника сотиб олиш, савдо ва ишлаб чиқариш майдонларини таъмирлаш, транспорт воситалари ва кўчмас мулк сотиб олиш, капитал ва оддий таъмирлаш, сотиб олиш каби турли мақсадларда фойдаланилади. Шу билан бирга, кичик ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш даражаси етарли эмасдир, бу куйидаги омиллар билан изоҳланади:

- ишончли қарз олувчиларнинг йўқлиги;
- юқори операцион харажатлар мавжудлиги;
- кредитларнинг қопланмаганлиги;
- талабларга мос келмаслиги;
- бизнеснинг шаффоф эмаслиги;
- кичик ва ўрта бизнес томонидан амалга ошириладиган фаолият доирасининг

чекланганлиги;

– молиявий натижаларни ҳисобот ҳужжатларида адекват акс этиришни рағбатлантириш ва шунинг учун шаффоф бўлмаган ва ишончсиз ҳисоботларни тақдим этиш учун рағбатларнинг йўқлиги;

– кредитлар олиш учун бизнес-режаларнинг паст сифати;

– кичик бизнеснинг рентабеллигининг банк комиссиялари билан оғирлаштириладиган кредит фоиз ставкаларига мувофиқлигида ва ҳоказо.

Қоидага кўра, тадбиркорлар ўз фаолиятининг бошида ўсиш истикболлари ва кутилаётган даромадларни аниқ тушунмаган ҳолда кредит олиш учун мурожаат қиладилар, шунингдек, улар ўз ривожланишининг мақбул молиявий лойиҳасини ишлаб чиқиш учун етарли ҳуқуқий ва иқтисодий билимга ёки кредит ташкилоти томонидан талаб қилинадиган тегишли молиявий ҳужжатларни тақдим этиш имкониятига эга бўладилар.

Шу билан бирга, бизнес-режалар диққат билан кўриб чиқилади, жумладан, молиявий ҳисоб-китоблар, потенциал қарз олувчи томонидан амалга ошириладиган бозор тадқиқотлари ҳам таҳлил қилинади. Нотўғри ёзилган бизнес-режа эксперт текширувини қийинлаштиради ва кредит аризасини рад этиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит ташкилотлари томонидан тайёр намунавий бизнес режалар таклиф этилмоқда. Ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд бизнес-режага мувофиқ амалга ошириш учун мос бизнес моделлари яратилади.

Кичик ва ўрта бизнеснинг паст шаффофлиги, бухгалтерия сиёсатининг ёмон ташкил этилиши, ходимларнинг малакаси етарли эмаслиги, ноқонуний схемалардан фойдаланишга олиб келади. Тадбиркорларнинг фаолияти тўғрисида ишончли маълумотларнинг йўқлиги, бу эса кредит беришни рад этиш учун сабабдир. Кўриниб турибдики, молиявий барқарорликка эга бўлган ва товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида мустаҳкам ўринга эга бўлган субъектларни кредитлаш орқали молиявий манбалар билан таъминлаш учун қулайроқ имкониятлар мавжуд. Кредит ташкилотлари учун идеал қарз олувчи 60 дан 200 миллион рублгача даромадга эга, кредит муддати 6 ойдан 12 ойгача бўлган ва 2 йилга бизнес юритадиган ва бутун кредит суммаси бўйича гаровга эга бўлган ташкилотдир. Бироқ, кредит муассасасининг ижтимоий вазифаси, аслида, кичик ва ўрта бизнесни ўз фаолиятини йўлга қўйишда қўллаб-қувватлаш учун кредитлашдир. Бу борадаги асосий мақсад мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдир. Бундан ташқари, кичик тадбиркорлик субъекти келажакда янада кенгроқ ҳажмдаги молиявий маҳсулотларни, шу жумладан инвестиция характерини ҳам истеъмол қилишга қодир мустаҳкам корпоратив мижозга айланиши мумкин.

Шу билан бирга, аксарият банклар юқорида кўрсатилган ташкилотни истикболли қарз олувчи сифатида кўрмайдилар. Кредит ташкилотининг стандарт талаблари - камида 6-12 ой давомида муваффақиятли тадбиркорлик субъекти фаолияти, қониқарли молиявий кўрсаткич, капитал келиб чиқилишининг шаффоф тарихи, кредиторлар ва солиқ органлари томонидан талабларнинг йўқлиги, шунингдек ижобий кредит тарихига эга бўлиши талаб этилади.

Кредит ташкилотлари, бир томондан, даромадни оширишга, иккинчи томондан, кредит таъсирини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширадилар. Кредит рискинни баҳолаш қарз олувчининг ҳолатини баҳолашни англатади унинг мажбуриятларини тўлаш қобилияти шартлари, кредит беришнинг мақсадга мувофиқлиги ва қарз олувчининг асосий қарзни фоизларни ўз вақтида тўлаш билан бирга тўлаш қобилияти. Шунини кўшимча қилиш керакки, кредит ташкилотининг молиявий натижасига кредитни йўқотиш бўйича захиралар таъсир қилади. Кредит йўқотишларни қоплаш тўғрисидаги талаб Россия Марказий банки томонидан белгиланади [8], банк кредит рисклари билан изоҳланади ва қарз олувчининг молиявий ҳолати ва барқарорлигига боғлиқ бўлади.

Кредит беришдан олдин потенциал мижоз/қарз олувчи тўғрисида максимал маълумот олиш учун катта ҳажмдаги тайёргарлик ишлари олиб борилади [8]. Агар потенциал қарз олувчи яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти бўлса, кредит ташкилоти мижознинг тўлов қобилиятини жисмоний шахс ва тадбиркорлик субъекти сифатида бирлаштирилган усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилади, масалан, шахсий харажатлар ҳисобга олинадиган, шунингдек бизнесни юритиш харажатларига йўналтиради. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш унчалик катта бўлмаган кредит миқдори туфайли фойда олади.

Бозорда рақобатбардош фоиз ставкалари бўлган кичик кредит миқдорида рентабеллик минимал даражага туширилади. Шу билан бирга, кредит қанчалик кичик бўлмасин, кредит аризасига хизмат кўрсатиш, гаров таъминотини баҳолаш ва мониторинг қилиш ҳамда кредитнинг ўзига хизмат кўрсатиш учун банк ходимларининг меҳнати талаб этилади.

Кредит беришда устуворлик тадбиркорлик фаолияти турига боғлиқ. Қурилиш саноати, брокерлик бизнеси, юкларни ташиш, юқори даражадаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш жуда эҳтиёткорлик билан кредитланади.

Кўпинча кредитлар тадбиркорлик субъектларига берилади. савдо (чакана ва кичик улгуржи дўконлар, кичик улгуржи тармоқлар), хизмат кўрсатиш (кўчмас мулк лизинги, умумий овқатланиш, спорт-соғломлаштириш ва тиббий хизматлар, автомобилларни қайта тиклаш хизмати), ишлаб чиқариш (озиқ-овқат ва кимё саноатидаги кичик корхоналар) саноат тармоқлари, модулли ишлаб чиқаришлар (нонвойхоналар, колбаса сеҳлари, қадоклаш линиялари)).

Кредит олиш имконияти ҳам эркин мавжуд бўлган гаровга боғлиқ бўлади. Кредит муассасаси учун энг мақбул гаров кўчмас мулк, автотранспорт ва жиҳозлар бўлиши мумкин. Шу билан бирга, эркин айланма, ликвидлик талабларига жавоб берадиган ёки нархи мажбурият миқдоридан юқори бўлган ҳар қандай актив гаров сифатида хизмат қилиши мумкин (ҳозирги пайтда кредит ташкилотининг гаров бўлими кичик ва ўрта корхоналар учун гаров таъминотини баҳолайди. корхоналар).

Банклар томонидан гаров сифатида қабул қилинган активлар, листинг қимматли қоғозларини ҳам ўз ичига олади Улар орасида энг оммабоп давлат қимматли қоғозлари бўлиб, улар ўз қийматининг 95% миқдорида кредит миқдорини таъминлайди. «Кўк чиплар» деб аталадиган нарсалар ҳам юқори ликвидликка эга. Гаров сифатида тақдим этилган активлар қимматбаҳо металлларни (олтин, кумуш ва платина) ўз ичига олиши мумкин. Қимматбаҳо металллардан гаров сифатида фойдаланиш Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2-сонли қарори билан тасдиқланган қайта ишлашдан олдин таркибида қимматбаҳо металллар бўлган минерал хом ашё билан ишлаш тартибига мувофиқ бўлиши керак, тартибнинг 8-бандига мувофиқ, гаров сифатида юкланмаган минерал хом ашёлардан фойдаланиш мумкин. Суд амалиётида асосий атамалар биров бошқача талқин қилинади.

Гаровсиз кредит олиш ҳали ҳам мумкин. Кредитнинг қайтарилиши корхонанинг бош директори ёки мулкдор томонидан берилган кафолат баёноти билан кафолатланади. Бирок, кичик кредитлар, юқори фоиз ставкалари ва қисқа муддатли кредитлар кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳал қилмайди. Молиявий институтлар ва бизнеснинг самарали ҳамкорлиги фақат ҳукуматнинг фаол аралашуви билан кўринади. Кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг федерал, минтақавий, тармоқлараро ва шаҳар дастурлари ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий воситаларидир. Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий тузилмаси мураккаблиги ушбу сиёсатни самарасиз қилади ва қўллаб-қувватладиган субъектлар доирасини чеклайди.

Внешэкономбанк (Тараққиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар банки) кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи асосий тўловчи банк ҳисобланади. Бирок, Внешэкономбанк фаолиятини аниқ белгиламайди. Банк кредит ташкилотлари ва кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи юридик шахсларни молиялаштириш орқали кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда иштирок этади. Бундан ташқари, бунда Внешэкономбанк «Тараққиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар банки (Внешэкономбанк)» Давлат корпорациясининг молиявий сиёсати тўғрисидаги меморандумнинг [8] талабларига жавоб бериши керак, бунда кредит муддатини белгилаш 2 йилдан ортиқ мустасно қилиб ва миқдори 150 миллион рублдан кўп бўлмаган аниқ мажбурий кўрсатмалар берилган. Бундан ташқари, Внешэкономбанк ўзига юкланган функцияни бажаришда мустақил ҳаракат қила олмайди.

Внешэкономбанк Кузатов кенгашининг қарори билан Внешэкономбанк томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби белгиланди, унга кўра ёрдам 100% аффилиланган кредит ташкилоти томонидан амалга оширилади Россия банки «Тараққиёт учун» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда «Россия тараққиёт банки»). Кичик ва кичик бизнесни кредитлаш бўйича ёндашувларни ўзгартириш зарурати аниқ. Бу жараёнда ҳудудлар муҳим рол ўйнаши керак. Замонавий кредит бозори кичик ва ўрта бизнеснинг қарз маблағларига бўлган талабини тўлиқ қондириши керак.

Кичик бизнесни кредитлаш институтини ривожлантириш анча мураккаб жараён бўлиб, унинг муваффақияти самарали кўп қиррали ва кўп йўналишли чора-тадбирларни изчил амалга оширишга боғлиқ. Кичик ва ўрта бизнесни кредитлашни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кичик ва ўрта бизнес субъектларининг тўлов қобилиятини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди улар:

- янги кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш;
- фоиз ставкасини пасайтириш;



- кредитлаш шартларини такомиллаштириш, хусусан, кредитлаш операциялари харажатларини тежаш ва аризани кўриб чиқиш вақтини қисқартириш имконини берувчи стандартлаштирилган тартибларни жорий этиш;
- кредит кафолати ва кредит гаровининг турли схемаларидан фойдаланган ҳолда кредит рискинни камайтириш;
- йирик бизнес корхоналарини кичик ва ўрта бизнес учун кафолатлар сифатида ҳаракат қилишга ундаш;
- Россия банкининг тартибга солувчи талабларини тартибга солиш (шу билан кредитлар бўйича фоиз ставкаларини камайтириш имконини беради);
- кредит фоиз ставкасини субсидиялашни кенгайтириш;
- кичик ва ўрта бизнес фаолиятининг шаффофлигини оширишга қаратилган чоратадбирлар;
- қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини ривожлантириш;
- кичик ва ўрта бизнес муҳитида таълим, хусусан, ҳуқуқий иш;
- кичик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, кредит олиш учун ҳужжатларни тўплашда кўмаклашувчи туман ва шаҳарлар фондларини ташкил этиш;
- молиявий қўллаб-қувватлашнинг муқобил манбаларини ривожлантириш.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инновациялар ва юқори технологияли бизнес билан шуғулланувчи корхоналарга тегишли. Минтақалардаги кичик бизнес субъектларига кредитлар берадиган банклар Внешэкономбанк томонидан ишлаб чиқилган стандарт тартибга мувофиқ қайта молиялаштирилади.

Внешэкономбанк дастури, шунингдек, кредит кооперативлари ва микромолиялаштиришни ўз ичига олган банкдан ташқари кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини молиялаштиришни ҳам таъминлайди.

Микромолиялаштириш [8] кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашнинг ҳозирги секинлашувини тўлдиришга қодир молиявий воситадир. Микромолия ташкилотларининг ривожланиши кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратишга қаратилган.

Бизнинг фикримизча, Россия банкларининг кичик ва ўрта бизнес билан ҳамкорлик қилишига кўмаклашиш учун янги молиявий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур молиявий ёрдам кўрсатиш соҳаси шунчалик кўп бўлса, кўпчилик банклар юқорида қайд этилган корхоналарга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган иш пакетларини аллақачон ишлаб чиққан.

Шу сабабли, юқоридаги тадбиркорлик субъектларининг имтиёзли кредит бериш имконияти эмас, балки имтиёзли кредит бериш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида расмийлаштирилиши керак. Махсус жамғармалар кредит ташкилотларига тегишли фарқни ўз хоҳишига кўра эмас, балки кредит шартномаси асосида қоплаши керак. Ҳозирги вақтда тегишли консессияни ҳуқуқий тан олишда икки томонлама эҳтиёж (хўжалик юритувчи субъектлар ва кредит ташкилотлари томонидан) мавжуд.

Кредитлаш муаммосининг самарали ечимларидан бири молиявий бозорда молиявий лизинг концепциясидан фаол фойдаланиш бўлиши мумкин. Кичик ва ўрта бизнес учун асосий воситаларни сотиб олиш учун молиявий лизингни олиш банк кредитини олишдан кўра осонроқ ва арзонроқ бўлса, бундай операциялар аванс тўловини қоплаш учун бериладиган давлат субсидиялари билан қўллаб-қувватланиши белгилаб ўтилган [8]. Кредит ташкилотлари 2-бандига мувофиқ «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Федерал қонунининг 5-моддаси лизинг фаолиятини ўз маблағларидан фойдаланган ҳолда мустақил равишда амалга ошириши мумкин, бу уларнинг даромадларини ошириш ва лизинг олувчининг харажатларини камайтириш имконини беради. Кредит ташкилотлари дастлаб лизинг фаолиятига мослаштирилганлигини ҳисобга олсак «Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида» Федерал қонуни [8] бу ҳақиқатни акс эттириши керак. Бу кредит ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаоллигини ошириш учун асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

## 1-жадвал

## Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари таҳлили [9]

№	Йирик инвестиция лойиҳалари ишга туширилган йил	Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари сони	Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари ҳажми, АҚШ долл.
1	2016	158 та	7,4 млрд.сўм
2	2017	164 та	5,0 млрд.сўм
3	2018	161 та	2,4 млрд.сўм
4	2019	76 минг.та	21 трлн.сўм ва 1,0 млрд \$
5	2020	2,8 минг.та	220,7 трлн.сум ва 21,5 млрд \$
6	2021	2 мингдан зиёд	233,2 трлн.сум

Миллий иқтисодий ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти катта бўлиб, у қуйидагича изоҳланади:

хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги юкори кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган режаларнинг ҳақиқий бажарилишига боғлиқ бўлади.

## 2-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестиция фаолияти таҳлили [9]

№	Кўрсаткичлар	2019		2020		2021	
		млрд.сўм	улуши фоизда	млрд.сўм	улуши фоизда	млрд.сўм	улуши фоизда
	Активлар						
1	Инвестиция ва бошқа қимматли қоғозлар	1 648,6	1,0	2 277,0	1,1	3 157,0	1,2
2	Кредит қўйилмалари	108 467,2	65,1	164 670,1	76,8	207 646,3	76,1
3	Жами активлари	166 631,8	100,0	214 419,6	100,0	272 726,9	100,0
	Мажбуриятлар						
1	Депозитлар	59 578,7	40,8	70 001,4	37,3	91 009,0	41,1
2	Олинган кредитлар ва лизинг	72 819,3	49,9	104 378,8	55,6	105 252,2	47,5
3	Чиқарилган қимматли қоғозлари	190,3	0,1	10,0	0,2	872,7	1,3
4	Жами мажбуриятлар	145 955,7	100,0	187 740,7	100,0	221 696,0	100,0

Банкларнинг жами активлари таркибида инвестиция ва бошқа қимматли қоғозларга қўйган маблағлари 1,1-1,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, банкларнинг ушбу йўналишда инвестиция фаолияти жуда сустлигини кўрсатади. Бунга бир қатор сабаблар бўлиб, улар


кўйидагилардан иборат:

- Республикамиз молия бозорида ликвидли қимматли қоғозлар тури ва ҳажми камдир;

- инфляция даражаси ва миллий валюта курси девальвация даражасининг нисбатан юқорилиги. 2018 йилда инфляция даражаси 14,3 фоиз бўлса, 2021 йилда 15,2фоиз бўлган.

Фақатгина 2021 йил давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси йил бошига нисбатан 13,9 фоизга қадрсизланди (8341 сўм/долл.дан 9501 сўм/долл.гача) бўлган [19];

Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш, сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ватехнологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаолва сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қўйилмаларида инвестицион кредитлар улуши (фоизда) [9]**

Тижорат банкларининг корхоналарга инвестиция қилишида чекловларнинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуннинг 7-моддасида “Банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади [10]” деб қўйилган. Бу чеклов қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятларига нисбатан татбиқ этилмайди, дейилган.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги шароитида турли тармоқлар васоҳаларни модернизация қилиш, таркибий ислохотлар ҳамда инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда давлатнинг алоҳида роли сақланиб қолмоқда. Умуман олганда, айтиш мумкинки, иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасига инвестицияларни жалб қилиш орқали, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ҳамда аҳолини турмуш фаровонлигини яхшиланишга олиб келади.

### Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кенгайтиришга, экспорт қилувчи корхоналарни ҳамда кичик бизнесни қўллаб- қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттиришга, иқтисодийнинг реалсектор корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол иштирок этишларини таъминлашга ва пировард натижада уларни йирик инвестиция институтларига айлантиришга шароит яратади.

Таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодийни янада ривожлантиришда ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти юксалишида муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари республика иқтисодийётида ҳамда унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишда тижорат банкларининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.

Фикримизча мамлакат иқтисодийётида инвестицион фаооликни ва инвестиционмуҳит жозибadorлиги ошириш учун қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим:

1. Тижорат банкларининг рақобатдошлиги даражасини ошириш ҳамда банкларни илғор банк амалиёти асосида фаолият юритадиган тизимга айлантириш, банк-молия хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг молиявий саводхонлиги ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадга мувофиқдир.

2. Аҳолининг мамлакатимиз банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш, мижозларнинг банк тизимида бўлган талабларини доимий мониторинг қилиб бориш, банк хизматлари кўрсатиш маданиятини ошириш, мижозларнинг эҳтиёжларини қаноатлантирадиган илғор банк хизматлари кўрсатиш, Республиканинг молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

3. Республикаимизга жалб қилинаётган инвестицияларни йўналтиришда иқтисодийнинг микро ва макро даражасида мутаносиб ва мувозанатли ривожланишига асос бўладиган шарт-шароитларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир ҳамда лойиҳаларни молиялаштиришда банк томонидан аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уларни инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтиришнинг қулай ва оптимал йўллари ишлабчиқиш ҳамда амалиётда фаол қўллаш зарурдир.

4. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банкларининг иштирокини фаоллаштириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг юзага келишини олдини олиш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасилўсишини ва сифатини таъминлаш зарур ҳамда мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг қимматбаҳо қоғозлари жозибadorлигини ошириш лозим.

Тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, бунда банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимида жалб этишига нималар тўсқинлик қилаётганини хар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

5. Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятда иштирокини мувофиқлаштириш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳамда амалга оширилишини мониторинг қилишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида банкларнинг инвестициялаш жараёнида тўғридан-тўғри иштироки, лойиҳанинг шаффофлигини, ҳамда молиялаштириш муддатининг камайишига олиб келади.

6. Тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим.

7. Ташқи омилларни чуқур ўрганиш ва тўлов баланси ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш тизимини тўлиқ шакллантириш асосида пул-кредит сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш услубларини такомиллаштириш мақсадида статистик, таҳлилий ва тадқиқот базасини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

8. Банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини, шу жумладан тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларида аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чоралар кўриш имконини берувчи тижорат банклар таваккалчилигини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур.

9. “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш, тўлов тизимини янада ривожлантириш шу жумладан реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб рақамларни бошқариш ва банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматлари кўрсатган ҳолда тижорат банкларининг самарали ахборот алмашинуви тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таклиф этилаётган тадбирларнинг амалиётга татбиқ қилиниши тижорат банкларининг инвестицион фаолиятда иштирокини фаоллаштиришни ривожлантириш истиқболда иқтисодий тизимнинг барқарор ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мурожатномаси. //Халқ сўзи. 2020 йил 30 январь 276 (7778). 1-4 бетлар.
2. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – Б. 153.
3. Ўзбекистон Республикасининг «инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир) 25.12.2019 й. ЎРҚ-598. , 52-сон, 918-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк Бошқарувининг “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори.1509-сон 20.08.2005 й. <https://www.lex.uz/docs/811500>
5. <https://mift.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasining-2019-jil-uchun-investitsiya-faolijati-sarisobi>
6. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 05.11.2019 й. ЎРҚ-580 45-сон, 845-модда.
7. Муаллиф томонидан шакллантирилди.
8. Манба: <https://www.cbr.ru/> - расмий сайт маълумотлари.
9. [https://cbu.uz/oz/press\\_center/reviews/118148/](https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/118148/)